



КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА РОЗИЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда аҳолига уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тубдан яхшилаш, уй-жой фонди ва ижтимоий объектлардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини юксалтириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Президентимиз одамларнинг кундалик ҳаёти, фаровонлиги, саломатлиги ва кайфиятига бевосита дахлдор бу масалаларга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тuzилди. Ўтган даврда вазирлик томонидан кўп хонадонли уй-жой фондиди сақлаш ва таъмирлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат иккита махсус ишчи гуруҳ тuzилди. 1-ишчи гуруҳ томонидан Андижон, Фаргона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, 2-ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ҳолат ўрганилди. 18 июлдан 30 сентябргача давом этган ўрганишларда соҳадagi муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг ҳар бир шаҳар ва туманда бажарилиши таҳлил қилинди. Асосий эътибор кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектилари, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти, кўмир етказиб бериш, санитар тозалаш каби масалаларга қаратилди. Жойларда аҳоли, маҳалла фаоллари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг талаб ва тақлифлари инобатга олинди.

Йиғилишда ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда тизимли ишлар амалга оширилган. Марказий қозонхоналар, иситиш қозонлари, иссиқлик, сув, газ, электр тармоқлари таъмирланган.

Кўп қаватли уй-жой фондиди куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган дастур асосида уларнинг том қисмлари таъмирланган, йўлаклар ва ертўплар тартибга келтирилган. Болалар майдончалари қурилган. Маиший чиқиндилар махсус жойларга ташиб кетилган.

Таълим муассасалари, болалар уйлари, шифохоналар ва бошқа ижтимоий объектиларда таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Олис ва табиий газ етиб бормаган аҳоли пунктларига зарур миқдорда маиший газ баллонлари етказиб берилган.

Йиғилишда аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини электр ва иссиқлик энергияси, ичимлик суви, табиий ва суюлтирилган газ, кўмир, ёқилғи-мўйлаш маҳсулотлари билан таъминлаш, кўп қаватли уй-жой фондиди сақлаш, оқова хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Бу ҳабаҳлардаги ишларни изчил давом эттириш, барча уй-жойлар, мактаб, шифохона ва бошқа ижтимоий объектиларнинг куз-қиш мавсумида иссиқ бўлишини таъминлаш юзасидан муҳим вазифалар белгиланиб, ишчи гуруҳларга зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастурлари ижросини танқидий қайта кўриб чиқиш, режалаштирилган чора-тадбирларни манзилли ва мақсадли амалга ошириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни қўллашни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги ишларни вилоятлар ва соҳалар кесимида эмас, маҳалла-маҳалла, уйма-уй амалга ошириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига уй-жойлар ва ижтимоий-иқтисодий объектиларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини яқунлаш, аҳолини электр, иссиқлик, газ, сув ва бошқа ҳаётий зарур воситалар билан узлуксиз таъминлаш, одамларнинг фаровонлиги ва розилигини ошириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2017 йил 4 октябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2017 йил 3 октябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда гоят муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайдиган.

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмagan, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқо-бил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тарққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тuzил-мавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараё-нининг сифати ва самарадорлигини баҳо-лаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибаси-нинг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирил-ганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятла-рини намойён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилият-ларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдош-лари билан ҳамкорлик қилиш имконият-ларини очибга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тиз-ими янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш,

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муасса-саларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараён-ларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлан-тириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактаб-гача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазир-лиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республи-каси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўна-лишлари этиб белгилансин:

биринчидан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иккинчидан, илғор хорижий тажри-бани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интел-лектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

учинчидан, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллариини амалиётга татбиқ этиш;

тўртинчидан, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан, нодавлат секториди жорий этиш;

бешинчидан, миллий маданий-тарихий кадрларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик мате-риаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

олтинчидан, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари-ни профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муасса-салари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

еттинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва таърибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

саққизинчидан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажм-лари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Респуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муасса-саларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғли-гини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3. Идоравий мансублигидан қатъий назар, барча давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари Ўзе-бекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимига белгиланган тар-тибда ўтказилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республи-каси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим соҳасидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқа-ролар томонидан бажарилиши мажбурий-дир.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таъ-лим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-риш республика ўқув-методика маркази негизида Мактабгача таълим муассаса-лари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этилсин у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассис-ларида замонавий менежмент ва педа-гогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шаклан-тириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 30 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



«Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим эканлиги Олий Мажлис юқори палатаси вакиллари томонидан алоҳида таъкидланди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, жумладан, сиёсий партиялар фракцияларида экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари-нинг вакиллари иштирокида ҳар томон-

лама муҳокама этилиб, жорий йилнинг 28 сентябрь куни парламентнинг қуйи пала-таси томонидан қабул қилинди.

Қонун Сенатнинг Халқаро муносабат-лар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳузурида тuzилган ишчи гуруҳ томонидан илмий ва экспертлар доира-лари вакиллари жалб қилган ҳолда дастлабки тарзда ўрганиб чиқилди.

Қонун икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, яқин қўшиллар — Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида

дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги руҳ бағишлаши таъкидланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг аъзолари мазкур қонунни маъқуллаш учун Сенатнинг бўлажак ўн иккинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Сенати кўриб чиқиши учун «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Респу-бликаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқаро-ларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари-ни таъминлаш тўғрисидаги масала ҳам киритилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенатининг вакола-тига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисиа тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тuzилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Фискал хотирали нazorат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 72-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали нazorат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Фискал хотирали нazorат-касса машиналарининг қўлланилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган низомлар билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар нazorат-касса машиналарининг фискал хотирасида сақланади.

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтириш, нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан яшириш мақсадида харидорларга нazorат-касса машинаси чекин бермаслик, нazorат-касса машинасини носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, нazorат-касса машиналарини йўқотиш орқали амалга оширилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотлар сохталаштирилмоқда.

Бундан ташқари, йирик савдо тармоқларида товарлар ҳисобини юритиш, харидорларга нazorат-касса машинасидан чек бериш ягона компьютер тизими орқали амалга оширилиши сабабли улардаги нақд пул тушумлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилиги кафолатланмайди.

Нақд пул тушумларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари жуда кўп вақт талаб этиладиган хронометраж тадбирларига мунтазам равишда жалб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сон Фармони билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислох этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш белгиланган.

Ушбу вазифалар, шунингдек, юқоридаги Фармон билан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури»нинг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фискал хотирали нazorат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн нazorат-касса машиналари таҳриба-синов тарихида амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб ушбу ҳудудлардаги барча юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабрдан бошлаб барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн нazorат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга ошириш орқали босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Онлайн нazorат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахс Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аниқланади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан: биринчидан, харидорларга берилган нazorат-касса машиналари чекларининг марказлашган электрон маълумотлар базаси яратилади ва нazorат-касса машиналаридан фойдаланган савдо шох-бачаларини онлайн режимда аниқлаб, тезкор чоралар кўриш имконияти яратилади;

иккинчидан, нazorат-касса машиналари орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, нazorат-касса машиналарини йўқотиш, бузиш ёки рўйхатдан ўтмаган нazorат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек, иккиламчи бухгалтерия юритиш каби ҳолатларга чек қўйилади;

учинчидан, онлайн нazorат-касса машиналарининг касса чекларидаги рақамлар уникал (такорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг олди олинади, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилади, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишнинг янги босқичга қўтарилиши таъминланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралаштиш ва турли хил нazorат тадбирлари ўтказилишининг камайтилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«КУРАШ» МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзозланиб келинган, ўзбек халқининг тарихий мероси — «Кураш» миллий спорт турини (кейинги ўринларда кураш деб юритилади) қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, «кураш», «ҳалол», «таъзим», «тўхта» ва «ёнбош» каби атамалар эса халқаро спорт лугати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Кураш халқаро ассоциацияси бугунги кунда сайёраимизнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган.

2010 йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди. 2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида «Кураш» миллий спорт тури тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси курашни халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, келгусида эса Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритиш бўйича фаол тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд айрим камчиликлар курашни янада ривожлантиришга тўқсинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, «Кураш» миллий спорт турини, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида, ўсиб келаётган авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида оммалаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар замон талабларига жавоб бермапти;

иккинчидан, мазкур спорт тури бўйича қобилиятли курашчиларни аниқлаш ва саралаш ҳамда уларнинг машқ қилиши, шунингдек, мураббий ва ҳакамларни тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш имконини берадиган клуб ва секцияларнинг яхлит тизими шакллантирилмаган;

учинчидан, ёшларни ушбу спорт тури билан шуғулланишга кенгрок жалб этишга қаратилган халқаро мусобақалар голиблари ва совриндорларини рағбатлантиришнинг самарали тизими жорий этилмаган;

Кураш — азал-азалдан олижаноблик, мардлик ва ҳалоллик тимсоли, халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга миллий-маданий меросининг бир қисми ва бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Кураш ҳақидаги илк маълумотлар Сурхон ва Зарафшон воҳалари, Фарғона водийси, Сармишсой дараларида аниқланган тасвирий санъат намуналари акс этган осори-атикаларда; қоятошларда ва горларда учрайди.

Мазкур антик тарихчи Геродот ўзининг «Тарих» асарида кураш қадимда юртимиз ҳудудида жойлашган халқлар урф-одаи ва анъаналарининг бир қисми эканлигини таъкидлаб ўтган.

Буюк Шарқ ҳакими ва маърифатпарвари Абу Али Ибн Сино асарларида кураш инсон соғлигини мустаҳкамлаш усуллари билан бири сифатида эътироф этилган.

Буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур даврида кураш аскарларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигини оширишнинг асосий усуллари билан бири бўлган.

Пахлавон Маҳмуд, Жалолiddин Мангубеҳди, Дарвешмуҳаммад сингари баҳодирлар курашнинг бутун дунёга танитишган.

Кураш нафақат спорт турларидан бири, шу билан бирга миллий байрамлар ва халқ сайилларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

«Кураш» сўзи «ҳалол йўл билан ғалабага эришиш» маъносини англатади ҳамда ўзида мардлик, кучли ирода, ҳалоллик ва рақибга нисбатан ҳурматни акс эттиради.

Ўзбекистон мустақилликка

тўртинчидан, зарур моддий-техник база ва спорт инфратузилмасининг етарли эмаслиги, спорт анжомларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаганлиги спортчилар машғулотларини талаб даражасида ташкил этишга ҳамда кураш бўйича халқаро мусобақаларни ўтказишга тўқсинлик қилмоқда.

«Кураш» миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонида юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. 6 сентябрь — «Кураш» миллий спорт тури кунини сифатида белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда, жумладан, куйидагиларни назарда тутуви «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида «Кураш» миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да замонавий спорт клублари ва секцияларни ташкил этиш; кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш;

кураш бўйича республика, халқаро мусобақа ва турнирлар иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш;

«Кураш» йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул квоталарини ошириш; мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган «ятак» спорт кийимлари ва «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

курашни, шу жумладан, реклама кампанияларини ўтказиш ва ижтимоий роликларни намойиш этиш орқали оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси «Кураш» миллий спорт турини «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон кураш федерациясининг Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида «Кураш» миллий спорт тури маркази»

нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва Тошкент шаҳар, Корхोजаота кўчаси, 25-уй манзили бўйича жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Кураш» миллий спорт тури марказини мазкур банднинг биринчи хатбосида кўрсатилган манзил бўйича бепул жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ўзбекистон кураш федерацияси ва унинг бўлинмалари фаолиятини мунтазам қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, «Кураш» миллий спорт тури маркази биносини реконструкция қилиш ва моддий-техник жиҳозлаш учун ҳомийлик маблағларини жалб этиш бўйича таклифлар киритсин.

6. Куйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси (ялпи тушуми) Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳомийлик ва хайрия ёрдам кўринишидаги маблағлар миқдорига, лекин солиқ солинадиган фойданинг (ялпи тушумининг) ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди;

Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар кўринишидаги даромадлар жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғидан озод қилинади.

7. Спортчиларни ҳаммабон ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолияти «ятак» спорт кийимлари ва (ёки) «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил мuddатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон кураш федерациясининг буюртмалари бўйича курашни-ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган

хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан кириш визаларини расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон кураш федерациясига хорижда кураш бўйича халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда қўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон кураш федерациясининг буюртмалари бўйича курашни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божини ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва мuddатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш мuddати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

10. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига спорт мусобақалари ва турнирларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиш орқали курашни оммалаштиришга қўмаклашиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги голибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартибини жорий этиш ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини нazorат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини: А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорини И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 октябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

эришганидан кейин кураш бўйича биринчи расмий турнир 1992 йил августда Шахрисабз шаҳрида ўтказилди.

1998 йил 6 сентябрда ҳозирда сайёраимизнинг беш қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган Кураш халқаро ассоциацияси таъсис этилди.

Бугунги кунга қадар дунёнинг қўллаб-мамлукатларида кураш бўйича 500 дан ортқ халқаро турнирлар ўтказилди. Юртдошларимиз орасидан 300 нафардан кўпроқ спортчилар кураш бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ва халқаро турнирларнинг голиб ва совриндорлари бўлган.

Давлатимиз ва Кураш халқаро ассоциациясининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида «Кураш» халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, «кураш», «ҳалол», «таъзим», «тўхта» ва «ёнбош» каби атамалар эса халқаро спорт сўз ва иборалари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

2010 йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида кураш тарихида илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси томонидан курашни халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, кейинчалик Олимпия ўйинлари дастурига

киритиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида курашни янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонларида юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.**

Қарорда «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилди.

Дастурга мувофиқ курашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказларида «Кураш» миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман (шаҳар)да эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилади.

Шунингдек, кураш бўйича республика, халқаро мусобақалар ва турнирларни доимий асосда ташкил этиш ва ўтказиш, мусобақа ва турнирлар иштирокчиларининг автоматлаштирилган маълумотлар базасини жорий этиш, «Кураш» йўналишида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул квоталарини ошириш, мазкур спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган

«ятак» спорт анжомлари ва «кураш гилам»лари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, курашни оммалаштириш юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Мазкур чоралар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида курашни ривожлантириш ва оммалаштиришга, спорт анжомлари ва инвентарларини тайёрлаш соҳасида маҳаллий брендни яратишга, Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Кураш «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритилади.

Қарорга мувофиқ 6 сентябрь мамлакатимизда «Кураш» миллий спорт тури кунини этиб белгиланди ва бу Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган кун билан рамзий маънода боғлиқдир.

Ўзбекистон кураш федерациясининг моддий-техника базасини сезиларли мустаҳкамлаш, кураш бўйича спортчилар ва мураббийларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш имконини берадиган қатор имтиёзлар назарда тутилди.

Хусусан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси Ўзбекистон кураш федерацияси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган бадал, ҳомийлик ва хайрия ёрдам кўринишидаги маблағлар миқдори, лекин солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камаяди.

Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан спортчилар ва мураббийларга топшириладиган пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар кўринишидаги даромадлар

жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғидан озод қилинади.

Спортчиларни ҳаммабон ва сифатли спорт кийимлари ва инвентарлари билан таъминлаш мақсадида асосий фаолияти «ятак» спорт кийимлари ва (ёки) «кураш гилам»ларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар беш йил мuddатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно.

Кураш бўйича Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, шунингдек, Ўзбекистон биринчилиги голибларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Жамоатчилик, айниқса,

ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида «Кураш» миллий спорт тури маркази» нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил қилиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорини амалга ошириш «Кураш» миллий спорт турини бутун дунёда янада ривожлантириш ва оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий гурур ва Ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодда мардлик, кучли ирода, олижаноблик ва рақибга ҳурмат каби сифатларни шакллантиришга кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

Парламент эшитуви

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «2017 йилда аҳоли бандлиги дастури» ижросининг бориши тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Йиғилишда мамлакат ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, саноат, хизматлар ва сервис соҳасида, уй-жой қурилишида янги объектларни ишга тушириш, кичик бизнесни, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига жорий йилнинг январь-август ойларида 521,5 минг кишининг бандлиги таъминлангани таъкидланди.

Депутатлар амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаган ҳолда жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида соҳага оид қонунларнинг ижроси суғуст экани, бунда маҳаллий давлат органлари, шу жумладан, ҳудудларда аҳоли бандлиги билан шугулланадиган муассасалар ушбу масалага етарли даражада эътибор қаратмаётганини қайд этдилар. Республиканинг меҳнат бозоридаги вазият мураккаб бўлган 34 та туманида ишсизлик даражаси ўсгани алоҳида таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини бажаришда тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ белгиланган иш ўринларини яратишда баъзи туман ва шаҳарларда камчилик ва юзакчиликка йўл қўйилган. Жумладан, Бахмал, Дўстлик, Навбахор, Гулистон, Сайхунобод каби бир қатор туманларда мақсадли дастурларда белгиланган кўрсаткичлар бажарилмаганлиги ҳисобига салкам 9 мингтага ақин иш ўрни яратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда 2017 йил учун аҳоли бандлиги дастурининг бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилиш имкониятларидан ҳали ҳам етарлича фойдаланмаётгани депутатлар томонидан алоҳида қайд этилиб, бунда 2017 йил учун аҳоли бандлиги дастури параметрларининг амалга оширилишини баҳолаш ишларини яхшилаш ва тақомиллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, депутатлар Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ таъминлаш бўйича мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилганлигига, мамлакатимиз қўшилган халқаро Конвенциялар самарали амалга оширилаётганлигига, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан мониторинг қилишни тақомиллаштиришга эътибор қаратдилар. Шунингдек, йиғилишда мавжуд қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, мазкур масала бўйича парламент ва депутатлик назорати институтларидан кенг фойдаланиш бўйича ҳам аниқ тақлифлар билдирилди.

Парламент эшитуви якуни юзасидан Дастурнинг ҳудудлар ва тармоқларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бунда депутатлар ва ижро органлари ҳамкорлигини янада кучайтириш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар ахс этган тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

АСОССИЗ ҚАРЗДОРЛИК УЧУН КИМ ЖАВОБГАР?

Ёки «Урганчшаҳаргаз» филиали ходимлари ҳаракатларидан одамлар нега норози бўлаётгани ҳақида

Хонадонимизда бир кун электр энергияси узилиб қолса, сув ёки иситиш тизими таъминотида узилишлар бўлса, ҳаловатимизни йўқотамиз. Айниқса, бундай муаммолар кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бугун давлатимиз томонидан коммунал соҳада кўпгина ислохотлар олиб борилишига ва катта эътибор берилишига қарамасдан, айрим ҳудудларда ўз ечимини кутиб турган муаммолар таллайгина. Кейинги вақтларда **Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг жойлардаги Жамоатчилик қабулхоналарига аҳоли томонидан коммунал соҳа ташкилотларининг тушунарсиз фаолияти, масалан, фойдаланилмаган табиий газ ва электр энергияси учун асоссиз қарздорлик ва қўшиб ёзиш ҳолатлари бўйича мурожаатлар тушмоқда.** Табиийки, бу аҳолининг ҳақли эътирозларига, партияимизнинг электорати ҳисобланган кам таъминланган, яқка-ёғиз, пенсционер ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ўқинда Урганч шаҳар «Мустақиллик» маҳалласидаги кўп қаватли хонадон эгаларидан ана шундай муаммо баён этилган мурожаат келиб тушди. Бир гуруҳ фаоллар табиий газ, электр тармоқлари, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари раҳбарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюроси вакиллари билан учрашув ташкил қилиш ҳамда муаммоларга ечим топишга амалий ёрдам беришни сўраб Жамоатчилик қабулхонасига келишди.

Шу асосда коммунал тизимдаги муаммоларни ҳал этиш, норозилик ва тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан мулоқот ташкил қилинди.

Унда «Мустақиллик» маҳалласи фаоллари, Мажбурий ижро бюроси Хоразм вилоят бошқармаси, «Урганчшаҳаргаз» филиали, Урганч шаҳар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, «Хоразм иссиқлик манбаи» АЖ ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этди.

Учрашув аввалида Мажбурий ижро бюроси Хоразм вилоят бошқармаси катта инспектори А.Жуманиёзов, «Урганчшаҳаргаз» филиали ўринбосари Қ.Зокиров ва бошқалар сўзга чиқиб, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўлида олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар тўғрисида умумий маълумот беришди.

Шундан сўнг тизимдаги муаммолар кўтарилиб, уларни ҳал этиш бўйича мурожаатлар бўлди. Масалан, «Самарқанд» кўчасидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар хонадонлари кўп йиллардан буён иситилмаётгани, марказий иссиқлик тизимидан ажратилганлиги, натижада қишда жон сақлаш учун уйларига қўлбола қозонхоналар ўрнатиб қиздириш чораларини кўришаётганини айтишди. Лекин «Урганчшаҳаргаз» филиали ходимлари рухсат этилмаган қозонхонадан фойдаланаяпсизлар, деб ёзма огоҳлантирмасдан, асоссиз равишда 400 минг сўмдан жарима ва қарздорлик ёзиб, тармоқдан ажратаётганликларини билдирди.

«Самарқанд» кўчаси 106-уй 12-хонадонда яшовчи М.Қодиоров уйига келган газ филиали ходимидан уйнинг газ тармоғидан узилиши ва 400 минг сўм пул ундирилишининг асосини сўраганда, ҳеч қандай изоҳ ва жавоб берилмаганини маълум қилди. Гап шундаки, фуқарога қўлбола қозонхонадан фойдалангани учун, деб жарима ёзилган. Лекин аслида бу пул газ филиалида қарздорлик, деб қайд этилмоқда. Буни қандай изоҳлаш мумкин?..

Ушбу масалага оидинлик киритиш мақсадида «Урганчшаҳаргаз» филиали вакилларига савол берганимизда, ҳукумат қарорига кўра, давлат стандартидан ўтмаган қўлбола қозонхоналардан фойдаланиш мумкин эмаслигини рўқач қилиб, пул ундирилаётганлик сабабини изоҳлай олишмади. **Нима учун йиғилаётган пуллар жарима эмас, қарздорлик сифатида ёзилаётганлиги тўғрисидаги савол очик қолди. Хонадон эгалари газ ҳисоблагич кўрсаткичига кўра, қарздорлик**

мавжуд эмаслигини билдирди. Корхона ходимларининг айнан нима учун жарима ёки қўшимча пул ундирилаётганлигининг қонуний асоси сўралганида филиал вакили жавоб бера олмади.

Ҳўш, «Урганчшаҳаргаз» филиали ходимларининг юқоридаги ҳаракати қонунийми? Учрашувда иштирок этган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллариининг фикрича, бундай ҳаракатлар қонунга зид. Ушбу масала юзасидан Мажбурий ижро бюроси Хоразм вилоят бошқармаси мутасаддис сўзга чиқиб, бугунги кунда «Урганчшаҳаргаз» филиали ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари, хонадон эгаларига асоссиз қарздорлик, нотўғри жарима ва пеня ёзиш ҳолатлари юзасидан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳамда тергов ишлари олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди. Фуқароларга асоссиз жарима солиниб, ундирилган маблағлар қонунда белгиланган тартибда қайтариб берилиши лозимлиги билдирилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари коммунал хизмат ташкилотларининг мажбуриятлари, хизмат кўрсатиш сифати ва қонунчилиги билан боғлиқ саволлар билан мурожаат қилишди. Жумладан, «Урганчшаҳаргаз» филиали ходимлари Самарқанд кўчаси 106-уй 19-хонадонда яшовчи Тамара Гасановага асоссиз қарздорлик ва жарима қўллаб, ортиқча пул ундиришган, қўпол муомалада бўлиб, сарсон қилишган. Бу ҳақда ташкилотга мурожаат қилинганлигига қарамасдан, филиал томонидан ҳеч қандай чора кўрилмапти.

Яна бир ҳулоса, бугун айрим кўп қаватли хонадонларда қонунга зид равишда қўлбола қозонхоналардан фойдаланилапти. Лекин аслида фуқаролар совуқдан сақланиш, фарзандларини асраш учун шундай қилишга мажбур бўлаётганини ҳам тушуниш керакка ўхшайди.

Агар иситиш тизими кўнгилдагидек ишласа, ноқонуний ҳаракатларга ўрин қолмасди. Бир муаммо кетидан бошқалари келиб чиқмасди.

Ғулломжон САПАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.

Спорт

Хитойнинг Чэнду шаҳрида теннис бўйича «Chengdu open» турнири бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Денис Истомин бош мукофотни қўлга киритди. У финалда кинпрлик Маркос Багдатисга қарши қорғатта чиқди.

ИСТОМИН «CHENGDU OPEN» ФОЛИБИ



Финал баҳсининг бешинчи геймидан сўнг Багдатис жароҳати сабаб учрашувни давом эттира олмади. Истомин 3:2 ҳисобида ғалаба қозонаётган эди. Натижада теннисчимиз бош совринни қўлга киритди.

Ушбу ғалабаси учун ҳамюртимиз 250 рейтинг очкоси ва 183 435 АҚШ долларига эга бўлди. Натижада Денис Истомин АТР профессионал теннисчиларнинг ҳафталик янги рейтингда 25 поғона юқорилаб, 53-ўридан жой олди.

Маълумот ўрнида, Истомин финалгача япониялик Юичи Сугитани 6:2, 6:7, 6:0, германиялик Ян-Леннард Штруффни 6:3, 7:6(7:3), россиялик Карен Хачановни 6:3, 6:2, америкалик Жаред Дональдсонни 2:6, 7:5, 7:6(7:5) ҳисобида мағлубиятга учраттанди.

Ўз мухбиримиз

Миллий матбуот марказида

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Тадбиркорликни ривожлантиришда микрокредитлашнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

«СИРЛИ МИЖОЗ» ЛОЙИҲАСИ

қандай самара берапти?

— Бугунги кунда банкимиз томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик, йилқичилик, туячилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш, қуён боқиш ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва қўчатлар сотиб олиш учун энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача микрокредитлар ажратилмоқда, — дейди **Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг стратегик ривожлантириш департаменти бўлими бошлиғи Бекзод Раҳимов**. — Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик ташаббуслари ҳам рағбатлантириб келинмоқда. Хусусан, битирувчи юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаригача, юридик шахс мақомида фаолият юритадиган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаригача миқдорда кредит маблағлари ажратилмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банкнинг барча филиаллари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 3 миллиард 370 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилиши эвазига 14089 янги иш ўрни яратилди.

— Банк ходимларининг муомала маданияти ва хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун қандай ишлар қилинапти?

Ушбу саволимизга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг стратегик ривожлантириш департаменти

бошқармаси бошлиғи Фаррух Абдурахмонов жавоб берди.

— Бугунги кунда республикаимизнинг барча вилоят ва туманларида банкимизнинг филиаллари мавжуд. Гуруҳ курмасиз бўлмагани каби, муомала маданияти паст бўлган ходимларини аниқлаш мақсадида тажриба тариқасида янги лойиҳани амалга ошириб қўйилди. Бу «Сирли мижоз» лойиҳасидир. Унга мувофиқ, банк ходимларининг икки нафари оддий фуқаро сифатида банкимизнинг исталган филиалига бориб, тадбиркорлигини кенгайтиришни ёки янги бизнес лойиҳасини молиялаштиришни ё бўлмаса, омонатга пул маблағи қўймоқчи бўлиб, филиал ходимларини синовдан ўтказди. Хаттоки, улар банкка кираверишдаги қўриқлаш хизмати ходимининг муомаласи қандай бўлиши лозимлигини ҳам текширувдан ўтказди.

Агарда текширувга борганлар банк ходимининг тажрибаси ёки муомала маданиятидан кўнгли тулмаганлиги тўғрисида раҳбариятга маълумот берадиган бўлса, нафақат ушбу банк ходимининг ўзига нисбатан, балки банк филиалининг раҳбарларига, барча ходимларига нисбатан жазо чоралари қўрилади. Ушбу лойиҳани жорий этганимиздан буён ижобий ўзгаришлар сезилаяпти.

Тадбирда банк томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар бўйича ҳам маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама



Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари диққатига!

Биогаз ускуналарини харид қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида «Агробанк» АТБ томонидан миллий ва хорижий валютада қуйидаги шартлар асосида кредит линиялари очилганлигини эълон қилади:

- кредит муддати — 7 йилгача;
- 18% миллий валютада;
- 8% хорижий валютада.

Лойиҳани амалга ошириш устагидаги шахслар анкета тўлдириб (www.agrobank.uz), банкнинг (pfid@agrobank.uz) электрон манзилига юборишлари мумкин.

Батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

Телефонлар: (99871) 150-53-44,
Call марказ: (99871) 203-88-88



MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038 8766 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 23:10 Topshirilgan vaqti — 00:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433

7 7 2 0 3 0 7 4 3 3 0 0 6

1 2 3 4 5 6